



“ 15 ” январ 20 19у № 4

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 декабрдаги “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 1061-сон қарорига мувофиқ, давлат статистика органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан иш юритишни янада такомиллаштириш мақсадида, **БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 йил, 5-сон, 107-модда) билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бошқармаси (Ф.Бердибаев), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари, туман (шаҳар) статистика бўлим бошлиқлари, Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари Маркази (Б.Ғойибназаров):

бир ҳафта муддатда; ушбу буйруқни давлат статистика органларининг барча ходимларига таништирилишини;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш бўйича барча иш юритиш ҳужжатларини қатъий равишда мазкур низом талаблари асосида юритилишини таъминласинлар.

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Раис ўринбосарлари Б.Мирусманов, А.Икрамов, М.Зиядуллаев Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати ва қуйи тизим бўлинмалари томонидан низом талабларини тўлиқ ва пухта ижросини таъминланиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсинлар.

4. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Раис

Б.Бегалов

48

Давлат статистика қўмитасининг  
2019 йил “ 15 ” январдаги  
4 -сон буйруғига  
илова

**Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 28 майдаги 56-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 3-бандга қуйидаги мазмундаги ўн иккинчи хатбоши қўшилсин:

“сайёр қабул – давлат органлари ва давлат ташкилотлари раҳбарларининг тасдиқланган жадвал асосида жойларга чиққан ҳолда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиши билан боғлиқ ташкилий ва бошқа чора-тадбирлар мажмуи”.

2. 15-банднинг хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ёзма ва электрон (агар давлат органлари, ташкилотлари ва маҳаллий ижро этувчи органларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашда электрон ҳужжат айланиш дастури жорий этилмаган бўлса, қоғозга босиб чиқарилган) мурожаатлар мурожаатларни рўйхатга олиш журналига тегишли ёзувларни киритиш, ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича ҳисобга олиш карточкасини тўлдириш ва мурожаатнинг биринчи саҳифаси қуйи ўнг қисмида рўйхатга олиш штампини қўйиш йўли билан мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинмада рўйхатга олинади”.

3. 14-банднинг хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Электрон мурожаатлар иш вақти тамом бўлгандан кейин тушган тақдирда навбатдаги иш кунида рўйхатга олинади”.

4. 57-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошисидан “шахсий” сўзи чиқариб ташлансин.

5. Қуйидаги мазмундаги 57<sup>1</sup>-банд қўшилсин:

“57<sup>1</sup>. Давлат статистика қўмитаси органлари раҳбарларининг жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари жойларда сайёр қабул қилиш бўйича жадваллари (йиллик ёки ярим йиллик) ишлаб чиқилиб, мос равишда юқори турувчи давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари томонидан тасдиқланади”.

6. 58-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“58. Давлат органлари, ташкилотлари раҳбарлари томонидан жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари шахсий, сайёр ва оммавий қабул қилиш белгиланган кун ва соатларда, қабул қилиш жадвалига мувофиқ ўтказилади.

7. 52-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Шахсий, сайёр ва оммавий қабул қилиш жадвали ва уни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олдиндан ёзилиш тўғрисидаги ахборот, қабул қилиш тартиби уларни давлат органлари, ташкилотларининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш, шунингдек, уларнинг маъмурий биносида ҳамма кириши мумкин бўлган жойлардаги стендларга ёки бошқа техник воситаларга жойлаштириш орқали манфаатдор шахслар эътиборига етказилади.

Сайёр ва оммавий қабул ўтказиладиган вилоят, шаҳар ва туманлардаги тегишли давлат органлари, ташкилотлари томонидан бир ҳафта олдин аҳоли билан тарғибот ишлари амалга оширилади”.

8. 56-банддаги “шахсан” сўзи “шахсий”, сайёр” сўзлари билан алмаштирилсин.

9. 60-банддаги “сайёр шахсий қабуллар” сўзи “сайёр қабуллар” сўзлари билан алмаштирилсин.

Қуйидаги мазмундаги 60<sup>1</sup> ва 60<sup>2</sup>-бандлар қўшилсин:

“60<sup>1</sup>. Жойларда учрашувларни ўтказиш мавзусига мамлакатнинг стратегик мақсадларини амалга оширишда устувор бўлган фуқаролик жамиятини ва халқ билан очиқ мулоқотни ривожлантириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини, давлат ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, амалга ошириладиган ислохотларнинг туб моҳияти ва ҳудудларни комплекс ривожлантиришнинг истиқболли режалари тўғрисида аҳолига етказиш, жойлардаги тизимли муаммоларни аниқлаш ва уларни ечимларини топиш, жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш, мурожаатларни кўриб чиқиш каби долзарб масалалар киритилиши лозим.

60<sup>2</sup>. Сайёр ва оммавий қабулни ўтказиш натижалари бўйича тегишли баён тўлдирилади, чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилади”.

10. 7-бандда:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши қўшилсин:

“Ҳар ой якуни бўйича давлат органлари, давлат муассасалари ва давлат иштирокидаги ташкилотлар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбарлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари билан ўтказилган учрашувлар натижалари тўғрисида маълумотлар умумлаштириб, таҳлил қилинган ҳолда муҳокама этиш учун киритилади”.